

Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 313-ҳадис

313 – وَعَنْهُ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «يَا نِسَاءَ الْمُسْلِمَاتِ؛ لَا تَحْقِرَنَّ جَارَةً لِجَارَتِهَا وَلَوْ فَرِسَيْنِ شَاةٍ». مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ. [خ 2566، م 1030].

313. Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам:

«Эй муслима аёллар! Қўшни аёл қўшни аёл учун қўйнинг пойчасини ҳам арзимас санамасин», дедилар».

Муттафақун алайҳ.

Шарҳ: Дарҳақиқат, ҳадя олди-бердиси кишилар орасидаги турли кўнгил ғашликларини кўтаради. Биров бошқа бир кишига кўнглида ҳикду ҳасади бўлмагандагина ҳадя беради. Ҳадя олган эса агар кўнглида баъзи бир нарсалар бўлса ҳам чиқариб юборади. Бу ерда ҳадянинг катта қимматга эга бўлиши шарт эмас. Ўша вақтларда ҳадялар асосан таом бўлган. Туёқни еб бўлмайди. Лекин шуни ҳадя қилинса ҳам беписандлик қилмаслик керак экан. Ҳадисда аёл қўшнилари зикр қилиниши бу масаладаги асосий гап-сўзлар аёллар томонидан чиқиши эътиборидандир.

Манба: hadis.islom.uz



